

Mustamlakachilar ilm-ma'rifatga intilish, ilg'org'oyalar va istiqbol istagini bo'g'ib tashlay olmadilar. Ushbu muhitda voyaga yetib, faoliyat yuritgan ijodkorlarning hayoti va adabiy merosi

bugungi kunda tarixchilarimiz va adabiyotshunoslarimiz tomonidan mufassal o'rganilmoqda.

Foydalanilgan manba va adabiyotlar ro'yxati:

1. Avazov U.Yu. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Buxoro amirligining janubi-sharqiy bekliklaridagi ijtimoiy-siyosiy va madaniy hayot. Tarix fan. nomz. diss. avtoreferati. – Toshkent, 2005. – 28 b.
2. Tursunov S. Denov. –T., Fan. 2009. 493-bet.
3. Tursunov S. Boysun. –Toshkent: Akademnashr. 2011. -B. 431.
4. Tursunov S. Sherobodliklar. –T., A.Navoiy nomidagi O'zbekiston milliy kutubxonasi. 2006. 385 bet.
5. S.Tursunov va boshq. Surxondaryo tarixi. -Toshkent: «Sharq», 2004. -B. 124.

ЗИГМУНД ФРЕЙДНИНГ ПСИХОАНАЛИЗ НАЗАРИЯСИ ВА УНИНГ АНТРОПОЛОГИЯ ВА ЭТНОЛОГИЯГА ТАЪСИРИ

**Убайдуллаева Барно Машрабжоновна,
Ўзбекистон Миллий университети “Антропология ва этнология”
кафедраси доценти, тарих фанлари доктори.**

Аннотация: Мақолада машхур психиатр Зигмунд Фрейднинг тотемизм, анимизм, диннинг моҳияти юзасидан психоаналитик назариялари бўйича маълумотлар келтирилган ва таҳлил қилинган. Шунингдек, Фрейднинг турли халқларда табуларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлари баён этилган.

Калит сўзлар: халқлар, руҳий, тотем, табулар, психологик, онг, онгсизлик, «эдип комплекси», инсон.

Аннотация: В статье представлены и проанализированы сведения о психоаналитических теориях тотемизма, анимизма и сущности религии известного психиатра Зигмунда Фрейда. Также описаны взгляды Фрейда на возникновение табу у разных народов.

Ключевые слова: народы, психический, тотем, табу, психологическое, сознание, бессознательное, «эдипов комплекс», человек.

Annotation: The article presents and analyzes information about the psychoanalytic theories of totemism, animism and the essence of religion by the famous psychiatrist Sigmund Freud. Freud's views on the emergence of

taboos among different peoples are also described.

Key words: peoples, mental, totem, taboo, psychological, consciousness, unconscious, "Oedipus complex", human.

**«Аслида аксарият кишилар
хақиқий эркинликни хоҳламайди,
чунки, эркинлик масъулият ва
жавобгарликни тақозо этади,
жавобгарликдан эса кўпчилик қўрқади»
- Зигмунд Фрейд.**

Антропология ва этнологик тафаккур шаклланишида психоанализ назарияси алоҳида ўрин тутди. Инсон ҳақидаги психоаналитик тасаввур XX аср бошларида австриялик психиатр олим Зигмунд Фрейд томонидан яратилди ва нафақат ўша давр психологияси, психиатрияси, шунингдек, деярли барча ижтимоий фанларга катта таъсир кўрсатди. Айтиш мумкинки, психоанализ туфайли Европадаги маданият бўйича назариялар инқилобий ўзгаришларга юз тутди.

З.Фрейднинг қарашлари, ғоялари психиатрлар, файласуфлар, психологлар, социологлар томонидан ҳар томонлама

ўрганилган, таҳлил қилинган ва унга муносабат ҳам билдирилган. Бу борада ўзбек олимларининг ҳам ўз ёндашувлари бор [8, 3, 4]. Аммо, ўзбек этнологлари бу масалага деярли эътибор қаратмаганлар. Сабаби, Фрейд ғояларини ўзбек менталитети нуқтаи назаридан изоҳлаш қийинлигидадир.

Мазкур мақолада З.Фрейднинг этнология ва антропологияга яқин қарашларига доир маълумотлар берилган ҳолос. Биз томондан олимнинг қарашларига муносабат билдириш мақсад қилинмаган.

Зигмунд Фрейд (1856-1939), маълумоти бўйича шифокор, касби бўйича психиатр, дастлаб (1876-1882) инсон физиологияси соҳасида, кейин (1885 йилдан) неврология ва психиатрия соҳасида ишлаган. Тўлиқ исми Сигизмунд Шломо Фрейддир [2]. У Вена университетни тамомлаган. Фрейд ҳаёти давомида жуда кўп илмий асарлар ёзган ва нашр этган - унинг асарларининг тўлиқ тўплами 26 жилддан иборат. У тиббиёт фанлари доктори, профессор, Кларк университетининг доктори унвонларига эга ва Лондон Қироллик жамиятининг хорижий аъзоси, Гёте мукофоти лауреати, Америка психоаналитик ассоциацияси, Франция психоаналитик жамияти ва Британия Психология Жамиятининг фахрий аъзоси бўлган [6].

З.Фрейднинг психоаналитик назарияси этнологияда ва дин психологиясида янги концепция ҳисобланади. Диннинг пайдо бўлиш сабаблари ва моҳияти тўғрисидаги масалалар Фрейдни доимо қизиқтириб келган. У ўзининг бир қанча китобларида, масалан, “Тотем ва табу”, “Мусо ва монотеизм”, “Бир иллюзиянинг келажаги” асарларида дин масаласини кўтаради ҳамда бу масалага материалистик ва атеистик нуқтаи назардан туриб ёндашади.

Айниқса, олимнинг “Тотем ва табу” китоби антропологлар ва этнологлар орасида жуда машҳур бўлади. З.Фрейднинг

1913-йилда нашр этилган мазкур китобида ахлоқ ва диннинг келиб чиқиши ҳақидаги қарашлари илгари сурилган. З.Фрейд ибтидоий халқлар психологиясини ўз услубини қўллаш орқали ўрганишни мақсад қилган эди. Олимнинг фикрича, “бу этнографларга янги восита беради, психоаналитиклар эса қимматли этнографик материал олиш имкониятига эга бўладилар” [1, С.81].

Фрейд ўз ишининг бошида К. Г. Юнгнинг маърузаси унга таъсир қилганини таъкидлайди. К. Г. Юнг бир илмий конгрессда баъзи руҳий касалларнинг фантазиялари ҳайратланарли даражада қадимги халқларнинг мифологик космогониясига тўғри келиши, аммо билимсиз, ҳеч қандай илмий фикрга эга бўлмаган беморлар қандай бу ҳақида билишлари уни ҳайратлантирганини гапиради. Бунга қўшилиб, З.Фрейд шундай дейди: “ибтидоий одамлар руҳий касал ва невротикларга ўхшайди...” [14, С.185].

З.Фрейднинг “Тотем ва табу” асарида этнографик маълумотлар кўп келтирилган бўлиб, асосий этнографик материал Ж. Фрейзер, В. Вундт асарларидан олинган. Мазкур асарнинг “Инцестдан⁵ кўркиш”, деб номланган бобида жинсий алоқадаги тақиқларни, экзогамия феноменини ўрганар экан кўплаб этнографик маълумотларга таянади. Олим бу жараёнда қуйидаги хусусиятларни кўрсатади:

- Табуларни бузганлик учун, жумладан, ўлим жазосигача бўлган жазоларни кучлилиги;
- табу учун амалий мотивларнинг йўқлиги, унинг “мотивсизлиги”;
- табуларнинг ирсий хусусияти. Агар бир уруғдан бўлган эркак бошқа уруғдан бўлган аёлга уйланган бўлса, унда барча авлодлар она уруғига мансуб бўлган (З.Фрейдга кўра, экзогамия пайдо бўлган ўша даврларга хос бўлган матриархат шакли эди), бу инцестни истисно қилган, чунки, фақат битта тотемли уруғга мансуб бўлганлар кон-қариндошлар

⁵ Инцест (лот. Инсестус - “жиноятчи, гуноҳкор”) яъни яқин қариндошлар (ота-оналар ва болалар, ака-ука ва опа-сингиллар) ўртасидаги жинсий алоқа

маъносини англатади

хисобланган[15].

Айнан шу муаммоларни олимлар турлича таҳлил қиладилар. Айниқса қайнона ва куёв ўртасидаги муносабатларнинг талқини жуда ғалати. Кўпгина халқлар учун улар ўртасидаги алоқа маълум чегараларда белгиланган. Масалан, басога қабиласининг одатига кўра, қайнона билан куёв бир хонада туриб гаплашиб бўлмайди, улар турли хоналарда бўлишлари ва бир-бирини кўрмаслиги керак; зулусларда ҳам куёв қайнонасидан уялиши ва ўзини олиб қочиши керак эди. З. Фрейд буни шундай тушунтиради: кўпгина аёллар учун никоҳ муносабатлари эрта тугаши ва уларнинг маънавий ҳаёти монотон бўлганлиги сабабли, улар барча ғамхўрликларини болаларига ўтказадилар, ўзларини ҳаётларини уларнинг ҳаёти билан бир, деб ҳис қиладилар. Бу ҳамдардлик баъзан оналарда шунчалик чуқурлашади, у ҳам қизининг сеvimли эрини “севиб қолади”, бу эса невротик касалликнинг сабаби бўлиши мумкин. Бошқа томондан, куёв ўз онаси ва опа-сингилларига бўлган ҳис-туйғуларини гавдалантира олмаган ҳолда, қайнона тимсолида "биринчи марта танловга қайтиш" имкониятига эга бўлади. Айнан шу ҳис-туйғуларга қаршилик кўрсатиш, З.Фрейднинг фикрича, қайнона ва куёв ўртасида “қочиш”га олиб келди: ёввойилар орасида қайнона ва куёвдан қочишга айнан шу қариндош-уруғлик омили сабаб бўлди[9, С.38-39].

З. Фрейд бизда «яшириниб» ётган психологик жараёнларни онгсиз жараёнлар, деб атади. Рус психологлари бу ҳолатни турли атамалар билан таърифлашади: «бессознательное» (онгсизлик), «подсознание» (онгости). Ўзбек олимлари ичида онгсизликни «ботиний онг» деб аташ таклифи ҳам киритилган.

З. Фрейд бизда «яшириниб» ётган психологик жараёнларни онгсиз жараёнлар деб атади. Рус психологлари бу ҳолатни турли атамалар билан таърифлашади: «бессознательное» (онгсизлик), «подсознание» (онгости). Ўзбек олимлари ичида онгсизликни «ботиний онг» деб аташ таклифи ҳам

киритилган. Онгсизлик бу шундай ҳолатки, бунда одам ихтиёрсиз тарзда, ўзи билмасдан ёки англамасдан турли хатти-ҳаракатларни амалга оширади. Бу хатти-ҳаракатлар ўз-ўзидан кундалик ҳаётда, уйқуда, яъни туш кўраётганда ёки гипнотик ҳолатларда кузатилиб туради. Онгсизлик, табиийки, онгга боғлиқ бўлмаган ҳолат. З. Фрейднинг таъбирича, онгдан сиқиб чиқарилган одамнинг табиий инстинктлари онг остида кўним топади. Онгсизлик туғма хусусият бўлиб, инсоннинг барча хатти-ҳаракатларини белгилаб беради [8, С.169].

З.Фрейд этнографиядаги энг қизиқарли масалалардан бири – турли халқларда табу- тақиқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш масаласини ўрганар экан, айрим руҳий касаллардаги ҳолатни “табу” билан қиёслади. Фрейднинг фикрича, бу касаллар “табу касаллиги”га дучор бўлган. Олим ўз фикрини тасдиқлаш учун иккита мисол келтиради. Маори раҳбари олов ёқа олмайди, чунки, акс ҳолда, унинг муқаддас кучи оловга, оловдан қозонга, қозондан овқатга ўтади ва бу таомни истеъмол қилган одам ўлади. Руҳий касал бўлган бемор эри томонидан сотиб олинган у ёки бу нарсани олишдан бош тортади ва уни олиб ташлашни талаб қилади, акс ҳолда у хонани “тақиқланган” хонага айлантиради, чунки буюм Деер кўчасидаги дўкондан сотиб олинган ва унинг дўстининг исми шундай. Бу дўст бемор учун “тақиқланган” ва шунинг учун дўконда, Деер кўчасида ва кейин Вена шаҳрида сотиб олинган барча нарсалар, худди дўстнинг ўзи каби, табу ҳисобланади. З.Фрейднинг фикрича, бундай тақиқларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, ёпишқоқ фикрлар, эрта болаликда тегинишдан завқланиш ҳисси кучли бўлиши, лекин у тез орада ташқаридан қаршиликка учраши билан изоҳланади. Натижада, завқланиш туйғусининг ўзи онгсизга ўтади ва шу билан одамда “ички қарама-қаршилик” пайдо бўлади: неврозларга олиб келиши мумкин бўлган нарсага интилиш ва уни тақиқлаш ва предметга нисбатан бундай муносабатдан инсон иккиланиб қолади [10, С.56 – 57].

З. Фрейд ўз кузатувларига асосланиб, инсон руҳиятининг янги бир моделини

яратди. Унга асосан бир-бирига узвий боғлиқ бўлган 3 та психологик тузилма мавжуд. Булар *ид*, *эго* ва *суперэго*. «Ид» – бу инстинктлар. У онгдан холис. «Эго» – бу Мен. Унинг онги бор. «Супер-эго», яъни «Супер-мен» – бу одамни ўраб турган муҳит, жамият. «Супер-мен» одамнинг хулқ-атворини «тепадан» назорат қилиб туради. Бу тушунчаларнинг ҳар бирини тавсифлайдиган бўлсак, Фрейд барча биологик инстинктларни (ҳимоя, овқат излаш ва кўпайиш, яъни сексуал) битта сўз билан «Ид» деб атаган. «Ид» онгда акс этмайди, у онг остида жойлашган, тўғрироғи, онг остига тикиштирилган. «Ид» қоникшиш принциплари асосланиб фаолият кўрсатади.

Одам бошқа жонзотлардан ақл-заковат, яъни онгнинг борлиги билан фарқ қилади. Демак, онг «Мен» демакдир. «Супер-мен» – барча «Мен»лар йиғиндиси. Хужайра организмда ҳаёт кечиргани каби, организм ҳам хужайрасиз яшай олмайди. Организм – бу «Супер-мен». «Супер-мен» – бу жамият қонунлари, ахлоқ принциплари ва дин талаблари. «Мен» «Супер-мен» талабларига бўйсуниб яшаши керак. Акс ҳолда у ҳалокатга учрайди. Демак, бу 3 та тузилмадан «Мен»га оғир. Чунки у бир томондан «Ид»ни қоникштириши, иккинчи томондан «Супер-мен» талабларига амал қилиши керак. Фрейд фикрича, шунинг учун ҳам «Мен»да невроз ривожланади [8, С.170].

Аслида Зигмунд Фрейд невроз касали моҳиятини янгича талқин қилишга уринди. Кейинчалик Фрейд ва унинг шогирдлари ижтимоий-маданий жараёнларни тушунтиришда психоанализ таълимотини қўллайдилар. Ўз дунёқарашининг шаклланишида Фрейд мураккаб йўлни босиб ўтди [3, С.369].

Бу таълимот инсоният фаолиятини онгсизлик ва онглилик соҳаларига бўлиб, бу икки соҳада бир-бири билан кесишмайдиган ҳолда тавсифлаб, ҳар икки соҳанинг ўзига яраша тузилмаси ва вазифаси борлиги асосида исботлашга ҳаракат қилди. Бунда устунлик онгсизлик томонига берилди, чунки, Фрейд фикрича, у инсон ҳаракатининг ботиний сабаби вазифасини

бажаради, шу орқали инсон руҳияти тузилади [10, С.60].

Энг умумий маънода, онгсизлик Фрейд томонидан, нафақат инсон руҳиятини ривожини нуктаи-назаридан талқин қилинди, балки бу ходиса инсоннинг мазмуний, моҳиятий, табиий, ижтимоий, маданий, тарихий ҳаётига ҳам татбиқ қилинди [11, С.45]. Онгсизлик орқали, ҳаттоки тарих ривожини ҳам очиб беришга ҳаракат қилинди, нафақат тарих, балки цивилизация масалаларига ҳам татбиқ қилинди.

3. Фрейд инсон туғилгандан бошлаб, бутун ҳаёти давомида унинг барча ҳаракатларининг сабабларини онг остида ётган, англамаган хирсий ҳиссиётлар, яъни «либидо» орқали тушунтирди. Ёш болалардаги хирсий ҳиссиёт ота-она томонидан тақиқланади, натижада болаларда невроз ҳолати пайдо бўлади. Жамият ахлокий нормалари томонидан тақиқланган бу хирсий ҳиссиётлар натижада инсон онгида бошқа шаклга киради, уларга хос бўлган психик энергия ҳар хил невроз касалликлари орқали юзага чиқишга ҳаракат қилади. Бундай хирсий ҳиссиётлар туғдирган неврозларни Фрейд психик ривожланишнинг нотабиий, зарурий босқичи, деб ҳисоблаган. Бундай ҳолатлар катта ёшдаги одамларда ҳам учраши мумкин. Инсон тақиқланган хирсий туйғуларини онгли равишда англаса, унинг тузалиши мумкиндир, дейди Фрейд. Кейинчалик Фрейд ўз ижодига янги тушунча «Танатос» (Азроил — бузғунчи, ўлим Худоси) ни киритди [14, С.187].

Фрейд таълимотида «Эдип комплекси» ниҳоят катта аҳамиятга эгадир. Бу тушунчанинг номи қадимги юнон афсонасидан олинган. Бу афсона бўйича фивалик шох Эдип билмаган ҳолатда ўз онасига уйланади ва «инцест» ҳолатини пайдо бўлишига сабаб бўлади [6].

Маълумки, Фрейд яшаган даврга келиб фан, Морган, Чарлз Дарвин ва бошқа олимлар ўз тадқиқотларида ибтидоий қабилалардаги жинсий алоқаларни ҳар тарафлама ўргана бошлади [15].

Тадқиқотлардан аниқландики, энг қадимги уруғ-қабилаларида инцест ҳолати,

яъни, ака ва сингил ўртасидаги жинсий алоқалар кенг тарқалган. Масалан, бунга ўша даврнинг мифлари далолат беради. Қадимги юнон худоси Зевс синглиси Герага уйланган, гўзаллик худоси Афродита, акаси темирчилик худоси Гефестнинг хотини бўлади ва ҳоказолар. Бундай мисоллар бошқа қадимги замон мифларида кўп учрайди [14, С. 107].

Инцест ҳолатлари кенг тарқалган қабилалар вақт ўтиши сайин жисмоний ва руҳий касалликларга кўп учрайдиган бўлиб қолади. Бу қабилаларда касалманд авлоднинг кўпайиши, қабилалар ичидаги жинсий алоқаларнинг тақиқланишига олиб келди ва бир қабиланинг йигитлари бошқа қабиланинг қизларига уйланиши одат тусига кирди. Бу инсоният тарихида биринчи тақиқланиш, ёки сиқиб чиқариш эди.

Фрейднинг фикрича, бундай тақиқланиш, неврозларга олиб келди. Масалан, «қабилалар ўртасида урушлар авж олди. Матриархат даврида кўпинча жинсий алоқалар бетартиб бўлган. Бу даврда оила ҳали пайдо бўлмаган эди. Фарзандларнинг фақат онаси маълум бўлган. Она тарафдаги қариндош-уруғчилик кучли ривожланган бўлиб, аксинча, ота тарафдаги қариндош-уруғчилик деярли бўлмаган. Натижада туғилган фарзандлар отаси ким эканлигини билишмаган [15].

Матриархат даврида инцест ҳолати, қисман бўлса ҳам, сақланиб қолган. Натижада жамият тарихида, иккинчи сиқиб чиқариш, патриархат пайдо бўлди. Бу ижтимоий тузимга моногам оила (бир эр, бир хотин) хосдир. Бундай оилаларда боланинг отаси ҳам, онаси ҳам маълум, қон аралашини жамият томонидан кескин ман этилди. Шундай қилиб, Зигмунд Фрейд жамиятнинг ривожланишида жинсий алоқалар ва уларнинг таъқиқланиши катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Патриархат даврида моногам оилаларда кўп хотинлик ва кўп эрлик жамият қонунлари томонидан ман этилган. Бу эса учинчи сиқиб чиқаришга олиб келди, яъни, ғайриқонуний жинсий алоқаларнинг камайишига олиб келди.

Фрейднинг фикрича, инсон табиатида икки куч ҳукмрондир. Биринчиси барча нарсаларни вайрон этиш, «танатос руҳи»; иккинчиси эса ҳаётга, хурсандчиликка интилиш кучидир. Биринчи куч инсон руҳиятида некрофилия жараёнига олиб келади. Некрофилларга барча ўлик шаклларга қизиқиш, ўлимни куйлаш, ҳаётга ва ҳаётини жўшқинликка нафрат билан қараш хосдир.

Иккинчи куч — «Эрос» — инсон руҳиятида кўпроқ ривожланган бўлса, уларни гимнафил, ҳаётни севувчилар деб аташади. Уларга ҳаётини жўшқинлик ва оптимизм хосдир. Бу иккиси алоҳида тарза ҳаётда жуда кам учрайди. Улар асосан аралашган ҳолда жамиятда мавжуд бўлади [6]. Бундай руҳий хусусиятлар ижтимоий жараёнларга катта таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, испан файласуфи Мигель де Унамуно фашизмни некрофилия деб атаган. Фашизм психологиясига айрим инсонлар тоифасига жирканиб қараш, садизм, кенг миқёсидаги қирғинлар, геноцид хосдир.

Зигмунд Фрейднинг диний қарашлари соф атеистик асосга қурилган. Унинг ўзи бу ҳақда шундай деган эди: "Агар мен дин масаласидаги қарашларимни бундан анча илгари, масалан, инквизиция давларида айтганимда эди, инквизиторлар мени тириклай гулханга ташлаган бўлишар эди" [7].

Бир сўз билан айтганда, психоанализ динни невроз сифатида талқин қилади. Фрейд невроз касалларининг хатти-ҳаракатлари билан диний маросимлардаги ҳаракатларнинг ўхшашлилигини айтиб ўтади. У неврозни шахснинг диндорлиги, деб ҳисобласа, динни эса умумий невроз ҳолати деб ҳисоблайди [12, С.97]. Диний маросимларга ва ақидаларга, Фрейд фикрича, жуда берилиб кетиш невроз ҳолатидаги кўрқувни эслатади. Лекин кўрқув динда онгли равишда анланган ва бу Худонинг қаҳри олдидаги кўрқувдир. Невроз ҳолатидаги кўрқув эса онг остида бўлиб анланмайди. Шу билан бирга, диний маросимдаги ҳаракат билан невроз ҳолатидаги ҳаракатнинг ўхшашлиги билан бирга фарқи ҳам бордир. Фрейд диний

афсоналардаги воқеаларни таҳлил қилиб, уларни невроз ҳолатидаги маниакал ғояларга берилиб кетишга ўхшатади. Фрейднинг фикрича, дин абадий эмас. У қачонлардир пайдо бўлган, келажакда аста-секин йўқолиб кетади. Лекин Фрейднинг қарашларида зиддият бор. У анимизм, магия ва тотемизмни диний қарашларга қарши қўяди. Ваҳоланки, бу қарашларнинг ўзида ғайритабиий кучларга ишонч ётади. Бу зиддиятнинг сабаби, Фрейднинг диний қарашларга изоҳ беришида эди. Фрейд учун дин фақат инсон киёфасига ўхшаш маъбудларларга ёки Худога ишончдир. Аслида эса диний қарашлар қандай киёфага эга бўлмасин, бу ғайритабиий илоҳий кучларга ишончдир.

Анимизмни Фрейд табиатдаги барча рухларга дуолар орқали таъсир этиш, деб ҳисоблайди ва улар дунёвий динлардан фарқ қилади. Фрейднинг фикрича, “анимизмга кўра тотемизм динга яқинроқ туради. Қадимги жамиятда яшаган инсон ҳаёти оғир шароитларда ўтган ва айниқса, табиий офатлар томонидан у катта талофатлар кўрган, улар олдида кўркув ҳолатида яшаган. Маданият олдида турган катта вазифалардан бири инсоннинг кўркув ҳолатидан чиқиб кетишига ёрдамлашиш ва таскин бериш эди. Бу вазифани ҳал этишда биринчи қадам анимистик дунёқарашнинг шаклланиши бўлди. Анимистик дунёқарашда инсон табиатдаги рухларга сиғиниб, уларга ҳар хил тортиқлар, қурбонликлар келтириб, уларни ўзларига мойил қилиб олиб, ҳар хил хавф-хатардан холи бўладилар” [12, С.103].

Рухлар табиатини тушунтирар экан, Фрейд уларни инсон ичидаги психик ҳолатлар, ҳис-туйғуларнинг кўриниши, деб айтади. Инсоннинг салбий фикр ва кечинмалари ёмон, қора рухлар киёфасида акс эттирилади. Бошқа ҳис-туйғулар эса бошқа барча рухлар шаклида кўринади [15].

3.Фрейд тотемизмни таҳлил қилар экан, унга хос бўлган икки хусусиятни ажратди. Биринчиси - ҳар бир қабиланинг бирон-бир ҳайвонга сиғиниши ва унинг руҳини қабиланинг ҳимоячиси деб ҳисоблаш; иккинчиси шу билан бир қаторда бу ҳайвонни ўлдириш ва истеъмол қилиш

ман этилган бўлишига қарамай, вақти-вақти билан бу ҳайвонларни ўлдириш, ейиш ва улардан кечирим сўрашдир. Тотемизмнинг келиб чиқиши, Фрейд фикрича, учта гипотезага асосланади.

Биринчиси - бу ибтидоий қабила бўлиб яшаш, бу қабила оқсоқолининг кўпол, чексиз ҳукмига бўйсунуш ҳақидаги гипотезаси.

Иккинчиси, Дарвин фикрини ривожлантирган Аткинсон гипотезаси бўйича, оқсоқол ҳукмига қарши чиққан ўғиллар ўз отасини ўлдиради ва еб қўйишади.

Учинчиси, Робертсон Смитнинг гипотезаси бўйича ғалаба қозонган ўғиллар оқсоқол отаси ўрнатган ҳукмронликдан воз кечишади, ўзаро сулҳ тузиб, қабилада экзожамиятни ўрнатишади ва аёллар ҳукмронлигига ўтишади [14, С.109].

Диннинг келиб чиқиши масаласи орқали Фрейд инсон руҳияти назариясини ривожлантирди.

Чунки унинг диний қарашларида илоҳиёт масаласига материалистик нуқтаи назардан туриб ёндашилган. Фрейднинг қуйидаги гапи унинг динга муносабати яққол кўзга ташланади: “Дин инсоннинг болалик давридаги ва инсониятнинг илк даврларидаги иродасизлиги ва кўркувидан пайдо бўлади” [5].

1923 йилда Зигмунд Фрейдда танглай саратони касалига дучор бўлгани аниқланади. Оқибатда 33 марта операцияни бошидан ўтказган олим кўп азият чекади.

Олим умрининг сўнгги ойларини Англияда ўтказди ва ўзининг шифокори ҳамда дўсти ҳисобланган Макс Шурдан ўша вақтда машҳур бўлган усул – эвтаназия (ўз ўлимига розилик бериш)ни амалга оширишда ёрдам сўрайди. У Фрейдга уч баробар кўпроқ морфин дозасини берган ва 83 ёшли Фрейд 1939 йили оламдан ўтади [6].

Фрейд илгари сурган назариянинг деярли барча фундаментал постулатлари (исботсиз қабул қилинадиган қоидалар) Карл Ясперс, Эрих Фромм, Алберт Эллис, Карл Краус каби жуда кўп атоқли олим ва ёзувчилар томонидан қаттиқ танқид қилинган. Фрейд назарияларининг эмпирик асосларини Фредерик Крюс ва Адолф

Грюнбаум “адекват эмас”, деб айтганлар. Питер Медавар эса, унинг психоанализини “каллоблик” дея атаган. Карл Поппер эса, Фрейд назариясини ғайри илмий деган [13, С.62].

Хозирги даврда ҳам Фрейд ғояларини танқид қилувчилар етарлича. Аммо олимнинг ғояларини қўллаб-қувватловчилар ҳам топилади.

Назариялари жуда ғалати, зиддиятли бўлишига қарамай, Зигмунд Фрейд

этнографик ва антропологик материалларни руҳий-психологик жиҳатдан чуқур таҳлил қилган ва бу борада ўз гипотезаларини қўрқмай илгари суриб асослашга ҳаракат қилган дастлабки психиатрдир. Унинг ғоялари ҳозиргача файласуфлар, этнологлар, маданиятшунослар, психологлар орасида қизгин баҳс-мунозаралар мавзуси бўлиб келмоқда.

Адабиётлар:

1. Анцыферова Л.Н. К проблеме изучения исторического развития психики// История и психология. – Москва, 1971 – С. 80-81.
2. Биография Зигмунда Фрейда // <https://ria.ru/20160506/1426264745.html>
3. Бойдадаев, А. Т. Психоанализда онгсизлик концепцияси ҳақида // <https://moluch.ru/archive/335/74746/> (13.04.2023).
4. Виктор Алимасов. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати <https://ziyouz.uz/kutubxona/viktor-alimasov-falsafa-yohud-fikrlash/>
5. Влияние психоанализа на этнологические исследования // <https://history.wikireading.ru/208329>
6. Зигмунд Фрейд // <https://ru.wikipedia.org/wiki>
7. Зигмунд Фрейднинг диний қарашлари // <https://oliymahad.uz/18516> (3.02.23)
8. Ибодуллаев, Зарифбой. Асаб ва руҳият. Илмий-оммабоп рисола – Тошкент: «Zamin nashr»,. 2018. – 232 б.
9. Лейбин В. М. Словарь-справочник по психоанализу. - Москва: АСТ, 2010. – 105 с.
10. Личность: теории, упражнения, эксперименты / Роберт Фрейдджер, Д. Фейдимен. – 5-е междунар. изд. – Санкт-Петербург: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2001. – 864 с.
11. Личность, культура, этнос: современная психологическая антропология /А.А.Белик. – М.: Смысл, 2001. – 555 с.
12. Попова М.А. Фрейдизм и религия. – М., 1985. – 200 с.
13. Стефаненко Т. Г. Этнопсихология. – М.: Институт психологии РАН, «Академический проект», 1999. – 320 с.
14. Токарев С.А. История зарубежной этнографии. – Москва, 1978. – 352 с.
15. Фрейд Зигмунд - Тотем и табу. Психология первобытной культуры и религии//https://royallib.com/read/freyd_zigmund/totem_i_tabu_psihologiya_pervobitnoy_kulturi_i_religii.html#0

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА МУТАХАССИС КАДИРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИ

Ботирова Ҳалима Эшмаматовна,
“ТИҚХММИ”МТУ,Гуманитар фанлар кафедраси в.б,доценти, тарих
фанлари бўйича фалсафа доктори(Phd)

Аннотация: Ушбу мақолада Республикамизнинг жанубий ҳудудларида қишлоқ хўжалик соҳасида мутахассисларни жой-жойига қўйиш, етук тажрибали қишлоқ

хўжалик мутахассислари иш тажрибасидан фойдаланмаслик, қишлоқ хўжалик бир қатор муаммоларни келтириб чиқарганлиги танқидий таҳлил қилинган.